
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА
ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ**

Махфуза АЛИМОВА

ИМОМ ДОРИМИЙ



“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2009

86.38

A50

Алимова, Махфуза.

Имом Доримий / М. Алимова; масъул муҳаррир Ҳ. С. Кароматов; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом ун-ти, Исломунослик илмий-тадқиқот маркази. -Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 48 б.

ББК 86.38

Масъул муҳаррир:

Ҳ.С.Кароматов,

филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

У.Уватов,

тарих фанлари доктори, профессор

И.Усмонов,

тарих фанлари номзоди

Рисолада бутун мусулмон дунёсига машҳур бўлган, ислом аҳли ва уламолари томонидан энг ишончли деб топилган тўққиз ҳадислар тўпламлари – “Ал-кутуб ат-тисъа” сирасига киритилган “Сунан” асарининг муаллифи Имом Доримийнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси ҳақида фикр юритилган. Алломанинг устоз ва шогирдлари, асарлари ҳақида маълумотлар, ривоят қилган ҳадисларидан намуналар келтирилган.

Рисола исломуносо мутахассислар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1864-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

ISBN 978-9943-306-80-6

© “Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009.

СЎЗ БОШИ

Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга қўтарилишида она юртимизда тугилиб камолга етган улуг алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

Ислом КАРИМОВ

Кишилар ўз тарихларини ўзлари яратадилар. Инсон, унинг фаолиятдан ташқарида тарих ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди. Ана шу тарих халқ оммаси билан бир қаторда ижтимоий ривожланишда алоҳида олинган шахсларнинг ўрни ва роли ниҳоятда катта эканидан ҳам далолат беради. Тиббиёт ривожланишини Ибн Сино, табиатшуносликнинг кўпгина тармоқларини Фарғоний, Хоразмий, Беруний, фалсафа фанини Форобий, адабиёт – сўз санъати камолотини Алишер Навоий тимсолисиз, асарлари ва фаолиятисиз тасаввур қилиш ниҳоятда қийин. Амалий жиҳатдан мумкин эмас. Зеро, бу каби даҳолар ўзлари фаолият кўрсатган соҳаларнинг кескин даражада гуркираб ўсишига улкан ҳисса қўшганлар, инсон билими, тафаккури ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаб берганлар.

Халқимиз босиб ўтган йўлга нигоҳ ташлар эканмиз, фан, маданият, маънавият, адабиёт, санъат, ахлоқ каби ўнлаб соҳаларда яратилган ўлмас асарлари, ижодлари билан инсоният маънавиятининг бугунги қиёфаси шаклланишига кучли таъсир кўрсатган бундай даҳоларга бойлигимизни кўрамиз.

Буюк аждодларимиз

Агар инсоният тарихи бундай қомусий билим, юксак ахлоқ ва маънавиятга эга бўлган, маърифат ривожини йўлида бекиёс кучли ирода ва шижоат намоён этган алломаларга унчалик бой эмаслигини эсласак, боболаримизнинг улуғ инсонлар бўлганига ва Президентимиз таъбири билан айтганда “Аллоҳнинг назари тушган юрт” фарзандлари, буюк аждодлар вори си эканимизга яна бир марта ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ислом маданияти, хусусан, тафсир, ҳадис, фикҳ, тасаввуф, калом илмлари ривожига беназир ҳисса қўшган алломалар қаторида Абу Лайс Самарқандий, Абул Баракот Насафий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Бурҳонуддин Марғиноний, Бурҳонуддин Маҳмуд Бухорий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Абул Муъин Насафий каби аждодларимизнинг номлари борлигини ҳам алоҳида фахр ва ифтихор билан қайд этиш лозим.

Мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг бой маданий меросини, аждодларимиз ҳаёти ва илмий ижодини илмий асосда ҳолисона ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш имконияти яратилди. Авваллари ўрганишга йўл қўйилмаган алломалар ҳаёти ва ижоди, асарлари тадқиқ этила бошланди. Бу борада Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази томонидан ҳам Ватанимиз тарихи ва миллий меросини, аждодларимизнинг бой диний-маърифий меросини тиклаш, илм-фан ва жаҳон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш, тадқиқот натижаларини жамлаш ва умумлаштириш асосида кенг жамоатчиликка етказиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилаётганини қайд этиш лозим. Жумладан, “Тафаккур гулшани” туркумида аждодларимизнинг ислом дини ва маданияти ривожига алоҳида ўрин тутган асарларини таржима қилиш, илмий-танқидий матнларини тайёрлаш ва нашр этиш, “Маърифат зиёси” туркумида алломаларимиз асарлари илмий асосда тизимли тадқиқ этилган монографияларни чоп этиш режалаштирилмоқда.

Сизнинг диққатингизга ҳавола этилаётган, улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида илмий-

оммабоп тилда ҳикоя қилувчи “Буюк аждодларимиз” туркумида чоп этилаётган ушбу илк рисола Мовароуннаҳрда IX асрда яшаб, ижод этган етук муҳаддис, аллома Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий Самарқандийнинг ҳаёти, ижоди ва унинг ҳадис илми ривожига тутган ўрнига бағишланган.

Адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, чуқур ақл-идрок ва тафаккур салоҳиятига эга, ақл, қувваи ҳофиза ва вазминлик борасида буюк замондошларигада намуна дея эътироф этилган, “ал-Имом ал-кабир”, “Шайх ал-ислом”, “ал-Ҳофиз ал-хужжа” каби шарафли номлар билан улуғланган аллома ҳақида айрим мақолалар чоп этилганини инobatга олмаганда, ҳануз яхлит бир тадқиқот яратилмаганини қайд этиш лозим.

Ёш олима Маҳфуза Алимова изланишлари самараси бўлган, содда ва таъсирчан услубда ёзилган қўлингиздаги рисола ана шу соҳада мавжуд бўлиб турган бўшлиқни тўлдириш йўлидаги бир уринишдир. Албатта, битта рисола доирасида буюк аждодимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил маълумот бериш, илмий-ижодий меросини ҳар томонлама ва тўлақонли таҳлил қилиш ниҳоятда қийин, тўғрироғи мумкин эмас. Аммо имкон даражасида ёритилган масалаларнинг ўзиёқ китобхонларимизда қизиқиш уйғотишига ва муайян фикр-мулоҳазаларнинг билдирилишига умид қилишга ҳақлимиз. Айни пайтда билдирилажак истаклар ва мулоҳазалар бундан кейинги илмий изланишларда ўз аксини топишига ваъда беришга ҳам бурчлимиз.

Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ

Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази директори,
фалсафа фанлари доктори, профессор

АЛЛОМАНИНГ ҲАЁТИ

IX–XII асрлар тарихда Шарқ Уйғониш даври номини олган. Бу даврда Мовароуннахр нафақат мусулмон оламида, балки умуман жаҳондаги илм-фан ва маданият ривожланган минтақа бўлиб, бу ердан буюк олимлар етишиб чиқди. Улар тафсир, ҳадис, фикҳ, калом илмларининг тараққиётида янги даврни бошлаб бердилар. Хусусан, IX асрда Самарқанд нафақат Мовароуннахрнинг, балки умуман ислом оламининг илмий марказларидан бирига айланди. Турли ўлкалардан олимлар келиб, ўзлари учун керакли илмларни олишга интиланлар. Олимлардан айримлари ўз юртларига қайтсалар, бошқалари шаҳарда бутунлай яшаб қолиб, ўз илмий мактабларига асос солдилар.

IX асрда фаолият юритган самарқандлик муҳаддислар ичида Имом Доримий алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунга қадар етиб келган манбаларда Имом Доримийнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишланган маълумотлар кўп эмас. Ўрта асрларда яшаган машҳур араб муаллифларидан Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071) “Тарих Бағдод”, Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” (“Олийжаноб алломалар сийратлари”), “Тазкират ал-хуффо” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”), “Тарих ал-ислом” (“Ислом тарихи”), Ибн Имод Ҳанбалийнинг “Шазарат аз-заҳаб фи ахбори ман заҳаб” (“Дунёдан ўтиб кетганлар ҳақида олтин парчалар”), Абу Ҳафс Насафийнинг (ваф. 537/1142) “Китоб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” (“Самарқанд уламолари ҳақида қанддек (ширин) китоб”), Абу Саъд Самъонийнинг (ваф. 562/1167) “Китоб ал-ансоб” (“Насаблар китоби”), Шаҳобуддин Абу Фазл Асқалонийнинг (ваф. 852/1448) “Таҳзиб ат-таҳзиб” каби

асарларда Имом Доримий ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Алломанинг тўлиқ исми Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад Тамимий Самарқандий Доримий бўлиб, 798 (ҳиж. 181) йилда таваллуд топган. Худди шу йили йирик муҳаддис Абдуллоҳ ибн ал-Муборак Марвазий вафот этган. Манбаларда шу тарихий воқеа сабаб Имом Доримийга “Абдуллоҳ” деб исм қўйилгани кайд этилади.

Муҳаддиснинг бобоси Бану Тамим қабиласи мавлоси ҳамда Пайғамбар (с.а.в.)нинг котибларидан бири бўлган Дорим ибн Молик ибн Ҳанзала ибн Зайд Манот ибн Тамимга боғланган ҳолда алломага “Доримий” нисбаси қўлланган.

Шу билан бирга, Имом Доримийни “Дорамий” нисбаси билан атаганлар ҳам бор. Абу Тохирхожа “Самария” асарида Имом Доримий ҳақида “...У ҳадис айтувчилардан. Шавдор туманига қарашли Испаний қишлоғидадир. У Самарқанд музофотидан бўлган, бурунларда Дорам деб аталадиган қишлоқдан бўлгани учун Дорамий деб донг чиқарган.... Дорамийнинг таржимаи ҳоли белгилик эмас...” каби мазмундаги маълумотни келтиради. Бунда Абу Тохирхожа унинг нисбасини “Дорам” деб номланган жой номи билан боғлайди.

Имом Доримий ёшлик чоғлариданоқ ақл-заковати, ўткир зеҳни, айниқса, эслаб қолиш қобилиятининг ўта кучлилиги билан барчани ҳайратга солган. Бу ҳақда Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мансур Шерозий: “Имом Доримий комил муфассир эди. У ақлда, фаҳмда, фазлда, динда етук эди. У зотнинг ёд олиш зеҳнлари, ҳалимликлари, босиқликлари, тиришқоқликлари, дунёда зоҳидликлари, ибодатлари зарбулмасал қилингандир”, – деб таъриф беради.

Манбаларда Имом Доримийнинг оиласи ҳақида сўз бормасада, унинг кунаси “Абу Муҳаммад”лигини эътиборга олиб, Муҳаммад исмли ўғли бўлганини билиш мумкин. Олимнинг яқинлари, қариндошлари ҳам илм аҳлларидан

Буюк аждодларимиз

бўлганлар. Жумладан, алломанинг тоғаси Абу Усома Аҳмад ибн Муовия, жияни (акасининг ўғли) Абу Аҳмад Фазл ибн Муҳаммад Доримий ҳам ҳадис ривоят қилганлар.

Имом Доримий дастлабки таълимини ўз юрти Самарқандда олади. Сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлардан бўлмиш Фустот (Қоҳира), Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидаги таниқли олимлардан диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳадис илми бўйича ўз билимларини оширади. Бу даврда муҳаддислар Пайғамбарнинг (с.а.в.) суннатларини асл ҳолида келажак авлодга етказиш учун ишончли ривоятларни олиб, уни соф кўринишда, ҳар қандай сохталиклардан холи бўлган ҳолда тўпладилар.

Имом Доримий ҳам ҳадис иснодини текширишда ҳар бир ровийнинг ҳаёт йўли, насл-насаби, имон-эътиқоди, ислом динига нечоғли амал қилиши, адолатлилиги, зехн-идрок даражаси ва бошқа кўплаб сифатларини пухта ўрганади. Чунки иснодсиз ҳеч қандай ҳадис қабул қилинмаган. Бу борада буюк муҳаддислардан Муҳаммад ибн Сириннинг: “Сизлар тўплаётган нарсаларингиз бу диндир. Шунинг учун сизлар динингизни кимдан олаётганингиз ҳақида ўйлаб кўринг!” Абдуллох ибн Муборакнинг: “Иснод – диннинг бир бўлагидир. Агар иснод бўлмаганда эди, ким нимани хоҳласа гапираверарди” каби сўzlари барчанинг диққат эътиборида бўлган.

Имом Доримий ҳадиснинг *мат*нини ўрганишда унинг лафзи ва маъноси, Куръонга зид келмаслиги, шунга ўхшаш бошқа ривоятлар билан солиштирилганда мувофиқ тушиши (мос тушмаса бошқа кучли ровийнинг ҳадиси олинган), матннинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейингина қабул қилган.

Шунингдек, буюк муҳаддис ҳадисларни, ровийларини адолат ва забт жиҳатидан саралаш илми (илм ал-жарҳ ва-т-таъдил), ҳадис ровийларини билиш илми (илм рижол ал-ҳадис), ҳадисларнинг ихтилофли жиҳатларини ўрганувчи

илм (илм мухталаф ал-ҳадис), иллатли ҳадисларни билиш илми (илм илал ал-ҳадис), бир шаръий ҳукм келган ҳадисни бошқа бири билан амали тўхтатилишини ўрганувчи илм (илм носих ал-ҳадис ва мансухуҳу), ҳадисларнинг ворид бўлиши сабабларини билиш илми (илм асбоб вуруд ал-ҳадис) ва бошқа ҳадис илмларини мукаммал эгаллаган. Шу билан бирга, ушбу илмларнинг ривожига катта ҳисса қўшган.

Маълумки, VIII–IX асрларда муҳаддислар асосан икки мақсадда саёҳат қилганлар. Аввало, олий иснодни қўлга киритиш ва ҳадисларни узоқ муддат давомида эшитиш бўлса, иккинчидан, ҳадисларни кўп ёдлаганлар билан учрашиш ва улардан фойдаланиш бўлган. Шунинг учун барча машхур муҳаддислар ҳар бир ҳадисни айнан ўз ровийсидан (агар у ҳаёт бўлса) эшитиб, исноднинг иложи борица қисқа, аниқ ва ишончли бўлишига интиланлар.

Имом Доримий ҳам ҳаётининг асосий қисмини илм талабида сафар қилиш билан ўтказган олимлар сирасига кирган. У сафарлари давомида ҳадисларни эшитиб, жамлаш билан чекланмай, ҳадис иснодларининг *олий*, муттасил (узлуксиз), ундаги ровийларнинг сони кам бўлишига ҳам катта эътибор қаратган. Имом Доримий яшаган даврда, яъни IX асрда уч ровий орқали муҳаддисга етиб келган, энг қисқа иснодли ҳадислар *олий иснодлилар* деб тан олинган. Чунки бу даврда ёзилган ҳадис тўпламларига жамланган ҳадисларнинг аксарияти тўрт ва ундан ортиқ ровийли исноддан ташкил топган эди. Муҳаддислар тинмай изланишлари, илмий сафарлари натижасида иснодни қисқартиришга эришганлар. Имом Доримий санадларнинг олий бўлишига эришиш мақсадида, ҳадис ровийсини нақл асносида хато қилиш эҳтимоли бўлган турли янглиш ва камчиликлардан холи қилишга интилан. Чунки ровийларнинг озлиги хатолик эҳтимолини камайтириш баробарида ҳадиснинг қувватини оширади. Шунинг учун Имом Доримий ўлим тўшагида ётган устози Яҳё ибн Муъиндан “Биздан нима тилагингиз бор”, деб сўрашганида “Хилват жой ва олий иснод” деб

Буюк аждодларимиз

жавоб берган. Муҳаммад ибн Аслам Тусий эса “Санаднинг Расулуллоҳга (с.а.в.) яқин бўлиши, Аллоҳга яқинликдир”, дея олий исноднинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган.

Аллома илмий сафарларини Хуросон шаҳарларидан бошлайди. Жумладан, машҳур ҳофиз Назр ибн Шумайлдан (ваф. 203/818) Марв шаҳрида ҳадис илмидан сабоқ олиб, кўплаб ҳадислар тинглайди. Жумладан, Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг: *“Сизлар етмишта умматга баробарсиз (тенгсиз). Сизлар умматларнинг энг сўнггиси ва Аллоҳ наздида энг эътиборлисиз!”* деган мазмундаги ҳадисларини ёзиб олиб, ўзининг ҳадислар тўпламига киритади.

Сўнгра Имом Доримий Ироқ шаҳарларида бир қанча устозлар қўлида таҳсил олади. Жумладан, муҳаддис тахминан 17–18 ёшларида Басра шаҳрида бўлиб, турли ровийлардан ҳадис тинглайди. Хусусан, басралик Равҳ ибн Асламдан (ваф. 200/815) ҳадислар эшитади. Кейин эса Ироқнинг Бағдод, Восит, Куфа, Ҳийт каби шаҳарларида бўлиб, ўз даврининг кўпдан-кўп етук муҳаддисларидан ҳадис илмини ўрганади. Имом Доримий ўзининг “Сунан” асарида 250 дан ортиқ шайх-устозлардан ҳадис ривоят қилган. Устозларининг асосий қисмини Куфа, Басра, Бағдод каби шаҳарлардан чиққан ровийлар ташкил этади.

Шунингдек, муҳаддис илмий сафарларини Шомнинг ўрта асрларда машҳур бўлган Хумс, Дамашк, Табария, Қайсория каби шаҳарларида давом эттиради. Сўнгра эса Макка ва Мадинага етиб бориб, у ерда бир муддат илм олиш ва истиқомат қилишга муяссар бўлади.

Манбаларда унинг устозлари қаторида Муҳаммад ибн Башшор, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Форёбий, Абу Мусаххар Димашкий, Марвон ибн Муҳаммад, Абулваҳҳоб ибн Саид, Язид ибн Ҳорун Воситий, Саид ибн Омир Забъий, Жаъфар ибн Авн, Зайд ибн Яҳё ибн Абийд Димашкий, Ваҳб ибн Жарир, Холид ибн Муҳаммад, Ҳаббон ибн Ҳилол, Ашҳол ибн Ҳотам Жумаҳий, Заҳҳок ибн Муҳаммад, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абул-Муғйира Форёбий, Абдусамад

ибн Абдулворис, Яхё ибн Хассон, Асвад ибн Омир, Бишр ибн Умар Захроний каби алломалар зикр этилади.

Хатиб Бағдодийнинг шаҳарлар ва олимлар тарихига бағишланган “Бағдод тарихи” номли асарида Имом Доримийнинг ҳаёти, ижоди, устоз ва шогирдлари ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилади. Ушбу маълумотларга кўра, Имом Доримий ҳаж сафари давомида Куфада тўхтаб, Яхё ибн Абдулҳамид Ҳаммоний (ваф. 228/842) ва бошқа муҳаддислар билан суҳбатда бўлади. Суҳбатлар кўп ҳолларда баҳс-мунозараларга айланиб, ҳадис ровийлари, иснодларнинг ишончлилиги устида тортишувлар бўлиб ўтади. Натижада, Имом Доримий Яхё Ҳаммонийнинг адолатли, ишончли ровийлигига шубҳаланиб, ундан ўзи ҳам ҳадис ривоят қилмайди, бошқаларга ҳам ҳадис олишни маслаҳат бермайди. Жумладан, Абдусамад ибн Сулаймон Балхийнинг (ваф. 246/860) таъкидлашича, буюк муҳаддис Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам Имом Доримийнинг сўзига таянган ҳолда Яхё Ҳаммонийдан ҳадис қабул қилмайди ва Имом Доримийнинг юксак иқтидори ҳамда ҳадис илмлари соҳасидаги билимини эътироф этиб, уни “Имом” деб улуғлайди.

Бағдодий келтирган маълумотлардаги суҳбатдошларнинг ҳаёт йилларини аниқлаш орқали Имом Доримий тахминан 40 ёшларида ҳаж ибодатини амалга оширгани, сафар чоғида ҳам ўзининг китоблари устида тинмай изланганини англаш мумкин.

Имом Доримий араб халифалигининг кўп шаҳарларида ўз билимларини ошириб, ниҳоят ўз Ватани – Самарқандга қайтиб келади. Илм йўлида узоқ йиллар олиб борган тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида Имом Доримий ҳадис, тафсир ва фикҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилди, айниқса, йирик ҳадисшунос сифатида катта шуҳрат қозонди. У ҳақида ёзилган манбаларда аксарият муаллифлар “Имом Доримийнинг Самарқандда ҳадис ва осор илмларининг

Буюк аждодларимиз

равнақ топишида улкан ҳиссаси бор”, деб яқдиллик билан алоҳида таъкидлайдилар. Ўз даврининг илм аҳллари ўртасида обрў эътиборга эга бўлган Имом Доримий бир канча муддат Самарқандда Шайхул-ислом лавозимида ҳам фаолият кўрсатди.

Имом Доримий мамлакат ижтимоий-маданий ҳаётида фаол иштирок этгани ва Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларини шариат қонунларининг иккинчи манбаси сифатида эътироф этилишида катта ҳисса қўшгани эътиборга олиниб, аҳли ҳадис уламоларидан бўлишига қарамай, Бош қози лавозимига лойиқ деб топилган. Алломага умрининг охириги йилларида Бош қози лавозими таклиф қилиниши ва унга қозилик ёрлиғи юборилиши ҳақида Нажмуддин Умар Насафий ўзининг “Китаб ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд” асарида қуйидаги маълумотни келтиради: “...у табиатан вазмин, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй, инсоф ва диёнати баркамол, ҳар қандай вазиятда ақл-идрок, чуқур тафаккур ва мулоҳаза билан иш юритгани боис ҳоким томонидан Самарқанднинг қози калони (бош қозиси) лавозимига таклиф қилинади. Аллома аввалига рад жавобини берса ҳам, лекин ҳоким ўз фикрида қатъий туриб олгач, рози бўлади. Бироқ қозихонада атиги битта иш кўрилгач, у ўзини ушбу лавозимдан озод этишларини илтимос қилади. Унинг илтимоси қондирилади ва истеъфога чиқарилиб, халифа Муътазз биллоҳдан қозилик ёрлиғини (“Китоб ул-Қазо”) юборади”. Имом Доримийнинг илм олишга бўлган чексиз муҳаббати ҳамда шаҳарнинг Бош қозиси лавозими катта масъулиятни талаб этишини англагани уни рад қилишига сабаб бўлган.

Имом Доримийнинг вафот этган санаси, дафн этилган мавзеси ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Бироқ аксарият ишончли манбаларда, жумладан, Хатиб Бағдодий, Абу Ҳафс Насафий, Шамсуддин Заҳабий каби олимларнинг таъкидлашларича, Имом Доримий 255 йили 75 ёшида Тарвия куни (ҳожиларга Замзам суви ичириладиган кун) асрдан сўнг вафот этиб, жума

Арафа куни дафн этилгани қайд қилинади. Ушбу сана милодий ҳисобда 869 йилнинг 18 ноябрига тўғри келади.

Айрим турк ва араб тадқиқотчиларининг китобларида аллома дафн этилган жой сифатида Хуросоннинг Марв шаҳри кўрсатилади. Бироқ Шамсуддин Заҳабий “Тарих ал-ислом” асарида олимнинг укаси Иброҳим ибн Абдурахмон Доримийнинг (ваф. 266/880) Самарқандда вафот этгани ҳамда акасининг ёнига дафн қилингани ҳақида маълумот беради. Шунингдек, Нажмуддин Умар Насафий Имом Доримий Чокардиза қабристонига дафн қилинган, унга Самарқанд амири Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад жаноза ўқиган, деб айтса, Абу Тоҳирхожанинг «Самария» китобида Имом Доримийнинг қабри Шавдор туманидаги Испаний (ҳоз. Испандий) қишлоғида, Самарқанд шаҳри билан мазорнинг ораси 11 чақиримча йўл, деб келтирилади.

Имом Доримийнинг жанозасини эҳтиром юзасидан Самарқанд амирининг шахсан ўзи ўқигани ҳамда укасининг дафн этилган жойи ҳақидаги маълумотлар олимнинг қабри Самарқанд яқинида эканига далолат қилади. 2000 йилда Самарқанд вилояти, Тойлок тумани, Испандий қишлоғида Имом Доримий мақбараси ва Жоме масжид таъмирланиб, обод қилинди.

ИМОМ ДОРИМИЙНИНГ АСАРЛАРИ

“**Сунан**” номи билан танилган “Муснад”и (луғавий маъноси “Таянч” ёки “Иснодли ҳадислар тўплами”) – олимнинг шоҳ асари ҳисобланади. У мусулмон кишининг шахсий ва ижтимоий ҳаётида учрайдиган деярли барча ҳолат (масала)ларни ўз ичига олган кенг қамровли асардир. Олимлар “Сунан”нинг номланишига турлича муносабат билдирадилар. Ҳофиз ал-Ироқий, Имом аз-Заҳабий асардаги барча ҳадислар тўлиқ иснод билан берилгани учун уни “ал-Муснад”, Алоуддин Муғултоий ҳадисларининг ишончлилиги даражасидан келиб чиққан ҳолда “ас-Саҳиҳ”, Ибн Ҳажар ва Суютий каби бошқа уламолар фикхий ҳадислар тўплами бўлганлиги боис “ас-Сунан” деб атайдилар. Бироқ айрим тадқиқотчилар муаллиф асарини умумий ном билан атаганини тахмин қиладилар. Чунки Имом Бухорий ўзининг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад ал-мухтасар мин умури Расулуллоҳи ва сунаниҳи ва аййомихи” (“Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ишлари, суннатлари ва кунларидан қискартирилган ишончли муснад тўплами”) деб номлаган. Имом Муслим ҳам ўз “Саҳиҳ”ини “ал-Муснад ас-саҳиҳ” (“Ишончли муснад”) деб номлаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, айрим олимлар Имом Доримий ҳам асарини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад лисунан Расулуллоҳ (с.а.в.)” (“Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларининг ишончли муснад тўплами”) деб ном берган бўлиши мумкин, деган фикрни билдирадилар. Аммо асарнинг фикхий бобларга бўлиб ёзилганлиги, унда турли (марфуъ, мавкуф, мактуъ) ҳадисларнинг мавжудлигини эътиборга олиб, уни “Сунан” деб аталиши тарафдори бўлган уламолар кўпчиликлари ташкил этади. Шундай бўлса-да, асарга берилган барча номлар ҳақли равишда, унинг мазмун

мохиятидан келиб чиқиб қўйилган, дейиш мумкин.

Кейинги даврларда бу асар “Сунан ад-Доримий” номи билан танилиб, айнан шу ном билан ҳозирга қадар етиб келган. Ибн Ҳажар Асқалоний каби баъзи олимлар Имом Доримийнинг “Сунан”ини “*Сиҳоҳ ситта*”нинг олтинчи китоби сифатида қабул қиладилар.

“Сунан” икки жилддан иборат бўлиб, китобларга, улар ўз навбатида бобларга бўлинади. Асар *муқаддима*, ибодат, муомалот, укубат ва бошқа турли масалалар билан боғлиқ жами 23 та китобдан иборат. “Сунан”да ҳам ислом динининг асосий руқнларига оид аввало **ибодат**:

1. *Таҳорат китоби* – 120 та боб
2. *Намоз китоби* – 216 та боб
3. *Закот китоби* – 38 та боб
4. *Рўза китоби* – 56 та боб
5. *Ҳаж китоби* – 91 та боб
6. *Қурбонлик китоби* – 28 та боб

Сўнгра муомалот:

7. *Ов китоби* – 9 та боб
8. *Егуликлар китоби* – 42 та боб
9. *Ичимликлар китоби* – 28 та боб
10. *Тушлар китоби* – 13 та боб
11. *Никоҳ китоби* – 56 та боб
12. *Талоқ китоби* – 18 та боб
13. *Назрлар ва қасамлар китоби* – 12 та боб
14. *Жиҳод китоби* – 40 та боб
15. *Савдо китоби* – 83 та боб
16. *Меросни тақсимлаш китоби* – 56 та боб
17. *Васиятлар китоби* – 45 та боб

ва **укубат** масалалари:

18. *Хун (товон) тўлаш китоби* – 25 та боб
 19. *Жазолар китоби* – 21 та боб
- баён этилган.

Шу билан бирга, “Сунан”да “*жомеъ*” туркумидаги ҳадис тўпламларига хос бўлган масалалар:

20. *Сиярлар китоби* – 83 та боб
21. *Изн, рухсат сўраш китоби* – 69 та боб
22. *Нозик масалалар китоби* – 122 та боб

Буюк аждодларимиз

23.Қуръон фазилятлари ҳақидаги китоб – 35 та боб ҳам алоҳида китобларга ажратилган.

“Сунан”нинг 1996 йилда шайх Муҳаммад Абдулазиз Холидий томонидан Байрутда “Дор ал-кутуб ал-илмийя” матбаасида чоп этилган замонавий нашри мавжуд. Холидий асарни тадқиқ этиш жараёнида “Сунан”да келтирилган Қуръон оятларини аниқлаб, сура ва оят рақамларини алоҳида қавсда келтиради. Асардаги ҳадисларни “*Сиҳоҳ ситта*”, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг “Муснад”и, Молик ибн Анаснинг “Муваттоъ”сида келган ҳадислар билан қиёслаб, агар ҳадис бошқа китобларда келган бўлса, иқтибосда у ҳақдаги тўлиқ маълумотни келтириб ўтади. Шунингдек, асардаги ҳадислар, боблар, китобларни рақамлаб, уларга мундарижа ишлаб чиқади.

Мазкур асар арабларнинг исломдан аввалги баъзи одатлари, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг сийратлари, ҳадисларнинг ёзилиш даври ва илм фазилатига оид жами 163 саҳифалик муқаддима ҳамда 23 та китобдан ташкил топган. “Сунан” 3506 ҳадисни ўз ичига олган 1403 бобдан иборат.

Бугунги кунда “Сунан”нинг қуйидаги қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжудлиги аниқланган:

№	Асарнинг нусхалари	Кутубона ва фонд номи	Инвентарь рақам	Қўчирилган йили	Хат тури	Варақлар сон	Саҳр-лар сон	Саҳифа ўлчами	Матн ўлчами (см-да)
1.	Қўлёзма (мош ранг жилдли)	Сулаймон-ния, Мурат Бухари	82/10	х. 1114 м.1703	насх	781. 830	67	334x222	272x155
2.	Қўлёзма	Сулаймония Рансул-кутуб	257	Номаълум	насх	219	27	255x185	198x145
3.	Қўлёзма	Arabic Catalogue: Vol 5	253	х.1225 м.1810	настаълик	270	23	13x9½;	9x6
4.	Қўлёзма	Arabic Catalogue: Vol 5	254	Тахм. 13-аср	насх	224	23	9x5½	7¼x4
5.	Тошбосма	Сулаймония, Тириовали	343	х. 1293 м.1876	Капфур тош босмаси	446	Низомии матбаасида чоп этилган		
6.	Тошбосма	Сулаймония, Измирли Н. Ҳаски	323/2	х. 1293 м.1876		447			

Манбаларда ушбу нусхалар ичида Мурат Бухори ҳамда Раисул-куттаб фондларида сақланаётган қўлёзмалар нисбатан тўлиқроқ экани қайд қилинган.

Шунингдек, зикр этилган қўлёзма ва тошбосма нусхалар асосида **“Сунан”нинг замонавий нашрлари** чоп этилган:

1. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ат-Тамимий Самарқандий ад-Доримий. Сунан ад-Доримий / доктор Мустафо Диб ал-Буғо томонидан нашрга тайёрланган. 2 жилдли. –Дамашқ: Дор ал-китоб ал-арабий, 1987 (араб тилида);

-عبد الله بن عبد الرحمن بن الفضل بن بهرام التميمي السمرقندي الدارمي. سنن الدارمي.

2. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ат-Тамимий Самарқандий ад-Доримий. Сунан ад-Доримий / Аш-Шайх Муҳаммад Абулазиз ал-Холидий томонидан нашрга тайёрланган. 2 жилдли. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1996 (араб тилида);

-عبد الله بن عبد الرحمن بن الفضل بن بهرام التميمي السمرقندي الدارمي. سنن الدارمي.

3. ал-Имом ал-Кабир Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фазл ибн Баҳром ад-Доримий. Сунан ад-Доримий / Муҳаммад Аҳмад Даҳмон томонидан нашрга тайёрланган. 2 жилдли. Дор ихъайи ас-сунна ан-набавийа. (йили кўрсатилмаган) (араб тилида).

-الامام الكبير ابو محمد عبد الله بن عبد الرحمن بن الفضل بن بهرام الدارمي. سنن الدارمي.

Буюк муҳаддиснинг серкирра илмий мероси ичида алоҳида ўрин тутган, кенг қамровли “Сунан” асари асрлар давомида эъозланиб, ҳозиргача ҳадис илмига оид энг ишончли манбалардан бири сифатида юқори баҳоланади. Уни бир қатор олимлар чуқур ўрганиб, тадқиқ этиб, ўз тилларига таржима қилганлар. **“Сунан”га ёзилган шарҳлар ва асарнинг таржималари:**

1. Абу Осим Нубайл ибн Ҳошим ал-Ғамрий. Фатҳ ал-Маннон. –Макка ал-Мукаррама: Мактабат ал-Маккий, 1999.
أبو عاصم نبيل بن خاشم الغمري. فتح المنان.

2. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий Самарқандий. Сунани Доримий / Таржима ва таҳқиқ доктор Абдуллоҳ Айдинли. 6 жилдли. – Истанбул: Мадве

Буюк аждодларимиз

йайинлари, 1994-1996. (турк тилида) – Ebû Muhammed Abdullah b. Abdirrahman ed-Dârimî es-Semerkindî. Sünen-i Dârimî / Tercüme ve Tahkik: Doç. Dr. Abdullah AYDINLI;

3. Аш-Шайх Абдулжалил ас-Самрудий. Ат-Таълиқ ала Сунан ад-Доримий (урду тилида);

4. Аш-Шайх Абдуррашид Ҳаниф. Таржамат Сунан ад-Доримий (урду тилида).

“Сунан” бўйича олиб борилган тадқиқотлар:

1. Абу Осим Нубайл ибн Ҳошим ал-Ғамрий. Итмом ал-ихтимом би муснад Аби Муҳаммад ибн Баҳром. – Байрут: Дор ал-қуртуба, 2001.

أبو عاصم نبيل بن خاشم الغمري. إتمام الإهتمام بمسند أبي محمد بن بهرام.

2. Аҳмад Абдулқодир ар-Рифоий. Фаҳрас аҳадис ва осор сунан ад-Доримий. – Байрут: Аълам ал-кутуб, 1988.

أحمد عبد القادر الرفاعي. فهرس احاديث وآثار سنن الدارمي.

“Сунан” инсон ҳаётининг ижтимоий, ахлоқий, иқтисодий, маънавий, маданий ва бошқа жабҳаларига алоқадор бўлган жиҳатларни қамраб олган ва уларни ҳадислар орқали муайян қонун ва қоидаларда изчиллик билан акс эттирган мукамал асардир.

“Сунан”нинг ровийлари

“Сунан”нинг қадимийлиги нуқтаи назаридан қаралганда, уни имкон қадар тўлиқ ҳолда бугунги кунга етиб келишида ровийларнинг ўрни катта. Шунинг учун асар устида изланишлар олиб борган барча тадқиқотчилар ровийлар занжирида келган ҳар бир муҳаддис ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишга интиланлар.

Маълумки, Имом Доримий ўз асарини бир гуруҳ шогирдларига имло қилдирган. Бу ҳақда асардаги айрим фикхий масалалар юзасидан устоз ва шогирдлар ўртасида бўлган ўзаро савол-жавоблар орқали маълумот олиш мумкин. Асарни нашрга тайёрлаган олимлар китобнинг кириш қисмида ҳар бир ровийни ўзига хос бўлган алоҳида унвон ва даражалари билан тавсифлаб, уларнинг тўлиқ исм-шарифларини келтириб ўтганлар. XV асрга оид қўлёзма асосида чоп этилган нашрларда Имом Доримийдан “Сунан”ни тўлиқ ёд олган ва уни кейин ривоят қилган ровий,

машхур муҳаддис – Исо ибн Умардан то XV-XVI асрларда яшаб ўтган Муҳаммад Асилгача асар ўн ровий силсиласи орқали етиб келгани кўрсатилган.

**Имом Доримийдан “Сунан”ни ривоят қилган
ровийларнинг силсиласи (IX–XV асрлар)**

№	Ровийнинг исми	Яшаган йиллари (ҳиж. ва мил.ҳис.,) тутилган ва вафот этган шахри	Ровий ҳақидаги айрим қўшимча маълумотлар
1.	Абу Имрон Исо ибн Умар ибн ал-Аббос ибн Ҳамза Самарқандий	Тахминан вафоти 320 / 932 й., Самарқанд	Имом Доримийнинг энг яқин шоғирди, тўғри сўз, ишончли муҳаддис.
2.	Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамвайҳ ибн Юсуф ас-Сарахсий	293–381/ 906–991	“Сунан ал-Доримий”дан ташқари ал-Фарабрӣйдан “Саҳиҳ Бухорий”ни, Иброҳим ибн Ҳузайм аш-Шошӣйдан Абд ибн Ҳумайднинг “ал-Муснад ал- кабир” ва “ат-Тафсир”ни ўрганган буюк, сиддик муҳаддис.
3.	Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн ал-Музаффар ад-Довудий	374–467 / 964–1075	“Жамол ал-ислом” номи билан танилган, Хуросоннинг энг машхур олимларидан бири.
4.	Абу ал-Вакт Абдулаввал ибн Исо ибн Шуайб ас-Сижзий	458–553/1066–1158 Хиротда туғилиб, Бағдодда вафот этган.	Олий иснод ровийси, зоҳид, суфий. “Сунан”ни Бушаңг шахрида ад- Довудӣйдан эшитган.
5.	Абдуллоҳ ибн Умар ибн Али ибн Зийёд ал-Бағдодий ал- Ҳаримий	545–635/1150–1238 Бағдодда вафот этган.	Абдулаввалдан “Сунан ал-Доримий” ва “Мунтахаб мин муснад Абд ибн Ҳумайд”ни эшитган.
6.	Али ибн Муҳаммад ибн Ҳорун ат-Тағлибий ад-Димашқий	626–712/1229–1312	
7.	Абу Умар Абдулазиз ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал- Киноний аш-Шофъий	694–767/1295–1366 Маккада вафот этган	Бош қози лавозимида ишлаган. Дамашк, Макка, Мадина, Қоҳирада ҳадис ўрганган.
8.	Абу ал-Фазл Абдурахим ибн ал-Ҳусайн ибн Абдурахмон ал-Ироқий	725–806/1325–1403 Мадинада вафот этган.	Ёшлигидан илм олиб, 8 ёшлигида Қуръонни ёд олган. Кейин устозининг тавсияси асосида ҳадис илми билан шугулланган. Мадинада қози, имом- хатиб бўлиб ишлаган.
9.	Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муборак ибн Абу ал-Харб ал-Хунжий	770–835/1369–1432	Олим, муҳаддис, зоҳид. Мадинада ал- Ироқӣйдан таҳсил олган.
10.	Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Тохир	номаълум	Муҳаммад Асил лақаби билан танилган.

Манбаларда Имом Доримийнинг “Китоб ат-Тафсир” – Қуръони карим тафсирига оид асари бўлганлиги ҳақида маълумот берилади. Имом Доримий ушбу асарида Қуръонни тўлиқ тафсир қилганми ёки айрим жузлариними, бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Бироқ ушбу асарнинг тарихий аҳамияти

Буюк аждодларимиз

катта. Чунки у бизгача етиб келган биринчи тафсир, деб ҳисобланган Ибн Жарир Табарийнинг (224–310/839–922) тафсиридан тахминан ярим аср илгари ёзилган асардир. Шунингдек, Имом Доримий “Сунан”ида Куръони каримнинг 51 сурасига тегишли турли оятларни ҳадислар орқали шарҳлангани унинг муфассирлигига далолат қилади.

Аллома ижодининг яна бир маҳсули – **“ал-Жомеъ”** – “Тўплам” асаридир. Ушбу асар ҳам қатор манбаларда зикр этилса-да, унинг қўлёзма ёки тошбосма нусхалари топилмаган.

Имом ад-Доримийнинг **“ас-Сулосиййот фи-л-ҳадис”** – “Уч ровийли ҳадислар тўплами” номли асари ҳам мавжуд. Муҳаддиснинг ушбу асари “Сунан”нинг таркибига киритилган ўн беш ҳадисдан иборат бўлган тўплам бўлиб, уч ровийли иснодга эга бўлган ҳадислардан таркиб топган. Улардан баъзилари:

“Бизга¹ Язид ибн Ҳорун (у киши айтдилар), бизга Ҳумайд ат-Тавил, Анас ибн Моликдан нақлан, Расулуллоҳдан (с.а.в.) шундай дедилар: *“Шубҳасиз, банда намоз ўқиётганида, фақат Раббисига илтижо қилаётган (сўзлашаётган) бўлади. Раббиси унинг олдидан ва у билан қибла орасидадир. Шу боис кимки тупурмоқчи бўлса (ҳеч иложи бўлмаганда), чап тарафига ёки (чап) оёғи остига тупурсин, ёхуд бундай қилсин деб кийимларига (ридоларини бир учини олиб, унга) тупурдилар-да, бир тарафини бошқа тарафи билан буклаб қўйдилар”*.

* * *

“Бизга Абу Осим, Усмон ибн Саиддан, (у киши) Анас ибн Моликдан ривоят қилдилар: Пайгамбар (с.а.в.) бирор манзилда тушишлари билан ёки у ердан кетаётганларида албатта икки рақъат намоз ўқир эдилар”.

* * *

“Бизга Абу Нуайм ривоят қилиб айтдилар, бизга Мусъаб ибн Сулайм ривоят қилиб, Анас ибн Моликнинг шундай деганларини эшитдим: Пайгамбар (с.а.в.)га қуритилган

¹ Ҳадисларнинг бошидаги “Бизга” сўзи Имом Доримий тилидан айтилмоқда.

хурмо ҳадя қилишганида, у киши тарқатишга буюрдилар. Анас Расулulloҳ (с.а.в.) очлик сабабли ҳолдан тойганларида, хурмо истеъмол қилганларини кўрганман, дейдилар”.

Алломанинг фикҳий масалаларга бағишланган **“Китоб ас-сунна фи-л-ҳадис”** – “Ҳадисдаги суннат амаллар ҳақида китоб” номли асари ҳам қатор манбаларда қайд этилса-да, бугунги кунга қадар етиб келмаган.

“Китоб саум ал-мустаҳозот ва-л-мутаҳаййирот” – “Узрли аёлларнинг рўзаси ҳақидаги китоб”. Муҳаддиснинг ушбу охирги асари ҳақида манбаларда турли фикрлар мавжуд. Араб тадқиқотчиси шайх Муҳаммад Абдулазиз Холидий ушбу асарни “Ҳадиййат ал-орифийн”да келтирилган маълумотга асосланиб, Имом Доримий асарлари қаторига киритади. Лекин бошқа манбаларда Имом Доримийнинг бу номдаги асари мавжудлиги ҳақида маълумот берилмайди. Ҳожи Халифа эса бу асарни машхур фақиҳ Абул Фараж Муҳаммад Доримий Бағдодийга (358–449/969–1057) мансуб эканини қайд этади.

Умуман олганда, Имом Доримийнинг илмий-маънавий мероси олимнинг тафсир, ҳадис, фикҳ илмлари бўйича эгаллаган барча билимларининг асосини ўзида мужассам этган. Аллома ҳадис тўпламлари ичида ўзига хос услубда яратилган “Сулосиййот” асарларининг яратилишига асос солган. Унинг “Тафсир”ини Мовароуннаҳр тафсиршунослигида ёзилган илк тафсирлардан бири деб аташ мумкин. Имом Доримийнинг мероси юртимиз илм-фани ва маданияти тарихини чуқур ўрганиб, халқимизга етказишда, миллий кадриятларимизнинг тикланишида катта аҳамиятга эга.

ИМОМ ДОРИМИЙ ШАРАФИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Имом Доримий манбаларда “ал-Имом ал-кабир”, “Шайх ал-ислом”, “ал-Ҳофиз ал-ҳужжа” каби шарафли номлар билан тилга олинади. Ул зот ҳақида замондош уламолар ва уларнинг издошлари ўзларининг самимий фикрларини билдирганлар:

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “Доримий илм аҳлига имом (йўлбошчи) эди”.

Ҳофиз Муҳаммад ибн Башиор: “Дунё хофизлари тўрттадир: Райда Абу Зуръа, Нисобурда Имом Муслим, Самарқандда Доримий, Бухорода эса, Имом Бухорийдир”.

Имом Дорақутний: “У ровийларнинг энг ишончилиларидан эди”.

Ҳофиз Рижоъ: “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини Доримийдан яхши биладиган муҳаддисни кўрмадим”.

Зулайм ибн Ҳутайт: “Мен Мағриб вилоятларидан қайси бирида бўлмайин, барчасида Абдуллоҳ ибн Абдурахмон (Доримий) Самарқанддагидан кўра ҳам машхурроқ эканлигини билдим”.

Абд ибн Ҳумайд: “Абдуллоҳ (Доримий) бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек (аллома) мавжуд эмас”.

Исҳоқ ибн Роҳувайҳ: “Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ўзидаги ҳадисларни ҳам, ўзгалардаги ҳадисларни ҳам ёддан билур. Унинг “Китаб ас-Сунан фи-л-фикҳ”, “Китаб ал-Муснад”, “Китаб ат-Тафсир” асарлари бор”.

Ибн Абу Шайба: “Абдуллоҳ ибн Абдурахмон бизни уч хусусда: ақл, қувваи хофиза ва вазминлик борасида енгди”.

Абу Зуръа ар-Розий Ҳофиз: “Менга бирор кишини ғоятда юксак тавсиф қилишса-ю, кейин мен Имом Доримийни кўрсам, уни ўшал тавсифланган кишидан ҳар жиҳатдан устун эканлигини билдим”.

Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Молик: “Мен Абдуллоҳни (Доримий) ҳар жиҳатдан синаб кўриб, Аллоҳ таоло йўлида унга ҳар қандай маломатчининг маломати зарар келтира олмаслигини билдим”.

Абу Шаддод: “Дарҳақиқат, Абдуллоҳ ҳадис борасида бамисоли бир денгиздир”, – деди.

Али ибн Ҳаким: “Абдуллоҳ ибн Абдурахмон (Доримий) имомларнинг имомидир”.

Рижоъ: “Мен Шом ерларини, Миср, Ҳижоз, Яман ва икки Ироқни кезиб, Абдуллоҳ (Доримий) янглиғ (олим)ни учратмадим”.

Аҳмад ибн Аллуйа: “Биз Бағдод ва Рай шаҳарларидан Абдуллоҳ билан (сафарга) чикиб, бирор ерга боришимиз биланок, чор-атрофдаги вилоятлардан уламолар Абдуллоҳни йўқлаб келишарди, Найсобур (Нишопур)га биринчи бўлиб уни йўқлаб келган киши Исҳоқ ибн Роҳувайҳ эди”.

Зоҳиру-л-Хатиб Самарқандий: “Мен Аҳмад ибн Ханбалнинг ҳузурларида бўлганимда, у кишига Имом Доримий ҳақида зикр қилинди. Шунда у зот: “Доримий саййидлардан эдилар. Куфр келтир дейилганда ҳам, дунё ва бойликлар рўпара қилинганда ҳам қабул қилмаганлар”.

Шурайх ибн Юнус Бағдодий: “Эй аҳли Хуросон, агар ораларингизда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий бўлсалар сизларга қандай ҳам яхши, деганларини эшитдим”.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мубаррад Маҳрамий: “Эй аҳли Хуросон, модомики ораларингизда Абдуллоҳ Доримий бор эканлар, бошқа киши билан машғул бўлманглар”.

Қутайба ибн Саъид: “Агар Термизга борсангиз, Аҳмад ибн Ҳасандан, Кешга борсангиз Абд ибн Ҳумайддан, Самарқандга борсангиз Абдуллоҳ ибн Абдурахмондан,

Буюк аждодларимиз

Шошда бўлсангиз Абдуллоҳ ибн Абу Аробадан ҳадис тингланглар!”

Бир куни Имом Аҳмад ибн Ханбал ва унинг ўғли Абдуллоҳ ўртасида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтади. Унда Абдуллоҳ:

– Ота, энг машҳур муҳаддислар кимлар? – деб сўрайди.

– Ўғлим! Бир вақтлар биз билан хуросонлик ёш олимлар бирга эдик, кейинроқ улар турли мамлакатларга тарқаб кетдилар.

– Улар кимлар эди?

– Улар: Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абдуллоҳ ибн Абдукарим Абу Зуръа ар-Розий, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий Самарқандий, Ҳасан ибн Шужоъ Балхийлардир.

– Улардан қайси бирлари кўпроқ ҳадис билар эдилар?

– Розий бошқалардан кўра кўпроқ иснодларни, Бухорий эса ҳадисларни, Доримий – ҳадис ровийларини, Балхий эса ҳадисларни мавзуларига кўра бобларга ажратишни яхши билар эди”.

Шамсуддин Заҳабийнинг “Сияр аълом ан-нубало” номли асарида қуйидаги воқеа ҳақида ҳикоя қилинади: Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Халаф шундай деган: “Бир кун устоз Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг ҳузурларида ўтирган эдик. Шу пайт устозга бир мактуб келтирдиларки, унда Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримийнинг вафоти ҳақида хабар қилинган экан (у Имом Бухорийдан бир йил муқаддам 869 йилда вафот этган). Бу нохуш хабардан устоз чуқур қайғуга ботиб бошини қуйи эгди. Бир муддатдан кейин бошини кўтариб кўзлари лиммо-лим ёшга тўлган ҳолда ҳасрату ғамгинлик билан “Инно лиллаҳи ва инно илайҳи рожиъун” (“Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта Унга қайтажакмиз”) оятини айтиб, “Сенинг тирик бўлишинг учун дўстлар ҳаммаси жонларини фидо қилишга тайёр эдилар-ку, деб юзларига фотиҳа тортдилар”.

Муҳаддиснинг устозлари

Имом Доримий ўз даврининг кўплаб етук олимларидан илм олган, ҳадислар тинглаган. Қуйида айрим устозлари ҳақида маълумотлар берилади.

Язид ибн Ҳорун ибн Зодий (117–206/735–822). Имом Доримийнинг ушбу машҳур устозининг тўлиқ исми – Абу Холид Язид ибн Ҳорун ибн Зодий (Зодон ибн Собит) Суламий Воситийдир. Ул зот машҳур ҳофиз, олимлардан бири бўлиб, ҳижрий 117 йили Ҳийт шаҳрида туғилган ҳамда ўша ерда 206 йилнинг Рабиъул-Охир ойида вафот этган. Ҳийт шаҳри Бағдод атрофидаги ноҳиялардан бирида, Фурот дарёси яқинида жойлашган шаҳар бўлиб, унда кўплаб шоирлар, олимлар яшаб ижод қилишган.

Язид ибн Ҳорун ўта такводор, ақлли, зукко, жуда кучли кувваи ҳофизага эга шайхлардан бири бўлиб, у ҳақда уламолар турли фикрларни билдирганлар. Жумладан, Ибн Мадиний: “Жуда ишончли ва ростгўй, ундан кучлироқ ҳофизни кўрмадим” деб таъкидласа, Ижлий: “Ўта диндор, Зуҳо нафл намозини ўн олти ракъатдан кам ўқимас эди”, – деган. Яҳё ибн Абу Толиб: “Унинг мажлис (дарс)ларида 70 мингдан ортиқ кишилар йиғиларди” деса, Муҳаммад ибн Кудома Жавҳарий: “Язид ибн Ҳорун 25 мингта ҳадисни исноди билан ёддан айтиб бериши ҳақида эшитганман”, деб айтган. Ибн Абу Ҳайсама ўзининг “Тарих” асарида уни Абу Бакр ибн Абу Шайбанинг буvasи Қози Абу Шайбага котиблик қилгани ҳақида хабар беради. Яна бир гуруҳ олимлар уни фақиҳлардан санаганлар. Ибн Надим унинг “Китобу-л-Фароиз” номли китобини зикр этган. Имом Доримий Язид ибн Ҳорундан 213 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Форёбий (126–212/744–827) – Амударё соҳили бўйида жойлашган шаҳарчада яшаб, ижод этган. Форёбий нисбаси эса Балх ноҳияларидан бири – Форёб (فارياب)га нисбатан берилган бўлиб, ушбу шаҳарчадан кўплаб буюк муҳаддислар, имомлар етишиб

Буюк аждодларимиз

чикқан. Улардан энг машхури Мухаммад ибн Юсуф Форёбийдир. Унинг олдига турли шаҳарлардан одамлар илм ўргангани келиб, ундан ҳадис ёзиб олганлар. Мухаммад ибн Исмоил Бухорий шундай дейди: “Хумсдан чикқаннимизда Аҳмад ибн Ҳанбални учратдик, у Мухаммад ибн Юсуфнинг олдидан келаётган экан”. Форёбий Авзойи, Саврий, Иброҳим ибн Абу Абла, Исмоил ва бошқалардан ҳадис эшитган. Устози Суфён ибн Саъид ибн Масруқ Саврийдан (97-161/716-778) Имом Доримийнинг Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юнус Тамимий (133-227/751-842), Язид ибн Ҳорун ибн Зодий ва бошқа устозлари ҳам ҳадис ривоят қилганлар. Форёбийдан эса Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Самарқандий, Мухаммад ибн Исмоил Бухорий, Аҳмад ибн Абу Ҳаворий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар. Мухаммад ибн Исмоил Бухорий устози ҳақида: «У ўз замонасининг энг фозили эди... Ҳижрий 212 йили вафот этган. Унинг ҳадислари олий иснодли бўлиб, барчаси саҳиҳдир», деб айтган. Имом Доримий “Сунан”ида энг кўп, 300 та ҳадисни Мухаммад ибн Юсуф Форёбийдан ривоят қилган.

Ибн Надим “Фихрист”ида Форёбийни – “Катта (улуғ) Форёбий” деб атаб, унинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида маълумот келтирмаса-да, “Китаб ат-тафсир”, “Китаб ат-тахорат”, “Китаб ас-салот”, “Китоб ас-сиям”, “Китаб аз-закот”, “Китаб ал-маносик” каби фикҳга оид асарлари ҳақида ҳам маълумот беради.

Исмоил ибн Абон Варроқ Аздий (ваф. 216/831 й.) – Абу Иброҳим Куфий номи билан ҳам танилган. Куфада яшаб, ижод этган, кўплаб устоз ва шогирдларга эга бўлган.

Исмоил ибн Абон Варроқдан Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Муъин, Абу Ҳайсама, Усмон ибн Абу Шайба, Қосим ибн Закариё ибн Динор, Абу Зуръа, Абу Ҳотам, Зухлий, Яъқуб ибн Шайба ва бошқалар ҳадис ривоят қилишган. Имом Доримий “Сунан”ида ундан 28 та ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Муҳаммад Жуҳанний (173-222/790-837) – куняси Абу Солиҳ ал-Мисрий бўлиб, Лайснинг котиби (كاتب الليث) лақаби билан танилган. У ҳижрий 173 йили туғилиб, 222 йилнинг муҳаррам ойида вафот этган. Абу Ҳотам Розий куйидаги маълумотларни билдиради: “Абу Асвад Назр ибн Абдужаббор ва Саъид ибн Уфайр уни “Лайснинг котиби” деб улуғлашарди. Абдулмалик ибн Шуъайб ибн Лайс эса: “Абу Солиҳ жуда ишончли ровий, менинг бобомдан ҳадислар тинглаган ва отамнинг ҳузурларида ҳадис ривоят қилар эди”, деганини эшитдим”. Бундан ташқари кўплаб муҳаддислар у ривоят қилган ҳадислар нақадар ишончли, далилли ва тўғрилигини кўп марта таъкидлаб, асарларида Абдуллоҳ ибн Солиҳ ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Имом Доримий ушбу устозидан 83 та ҳадис ривоят қилган.

Аҳмад ибн Абдуллоҳ Тамимий (133-227/ 751-842). Унинг тўлиқ исми Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Юнус ибн Абдуллоҳ ибн Қайс Тамимий Йарбуъий Куфий бўлиб, у ҳижрий 133 йили Куфада туғилган ва катта табаъа тобеъийларга мансуб. Кўплаб буюк муҳаддислар, алломалар у ҳақда яхши фикрларни билдириб, унинг нақадар илмли, ривоят қилган ҳадислари тўғри, ишончли эканини таъкидлаганлар. Уни Саврийдан ривоят қилган охириги ровийларнинг энг ишончлиси деб таърифлаганлар. Имом Бухорий берган маълумотига кўра, ҳижрий 227 йил Рабиъул Охир ойининг 25 кун кечаси Куфада вафот этган.

Имом Доримий ушбу устозидан 70 та, Имом Бухорий эса 74 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Закариё Яҳё ибн Муъин ибн Авф Ғатафоний (ваф. 233/847 й.). Имом Доримий ушбу машҳур муҳаддис, ҳофиздан ҳадис ривоят қилмаган бўлса-да, ундан *илм ар-рижолни* ўрганган. Лекин ўз навбатида ундан *сиҳоҳ ситта* имомларининг барчалари ўз асарларида ҳадислар ривоят қилганлар. Яҳё ибн Муъинни муҳаддислар *жарҳ ва таъдил илмининг* имоми, деб билганлар. Самъонийнинг берган маълумотларига кўра, кўплаб муҳаддислар унга ровийлар

Буюк аждодларимиз

ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш, туғилган ва вафотлари саналари, насаблари, ишончлилик даражасини билиш учун мурожаат қилганлар. Имом Доримий ҳам ундан айнан шу соҳада илм ўрганган. Яхё ибн Муъин узоқ муддат Бағдодда яшаб, Мадинада вафот этган.

Исмоил ибн Иброҳим ибн Маъмар Ҳузалий (ваф. 236/851 й.). Унинг куняси Абу Маъмар бўлиб, Бағдодда яшаб, шу ерда вафот этган. Кўп шаҳарларга сафар қилиб, ҳадислар ўрганган. Кўплаб устоз ва шогирдларга эга бўлган. Унинг кувваи ҳофизаси жуда кучли бўлиб, минглаб ҳадисларни ёддан айтиб берган. У ҳақидаги ривоятларга кўра, сафарлари чоғида икки мингта ҳадисни ёд олиб, Бағдодга қайтган. Улар ичидан саҳиҳларини ажратиб ёзганда, ўттиз ё кирктасигина хато бўлиб чиққан. Убайд ибн Муҳаммад ибн Халафнинг берган маълумотларига кўра, Исмоил ибн Иброҳим Ҳузалий хижрий 236 йилнинг Жумодил Аввал ойининг ўртасидаги душанба кунда Бағдодда вафот этган.

Исмоил ибн Иброҳимдан эса Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Имом Насоий Абу Бакр Марвазий орқали, Зухлий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Иброҳим Ҳарбий, Абу Зуръа, Абу Ҳотам, Солих ибн Муҳаммад, Абу Яъло ва бошқалар ҳадислар ривоят қилишган. Имом Доримий ушбу устозидан 17 та ҳадис ривоят қилган.

Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Халаф (170-237/787-852). У Муҳаммад Суламийлар насабига мансуб бўлиб, Бағдодда яшаб, ижод этган. Унинг куняси Абу Абдуллоҳ бўлиб, катта табаъа тобеъийлардан бири бўлган жуда ишончли ровийдир. Муҳаммад ибн Аҳмад Суфён ибн Уяйна, Аби Холид Аҳмар, Муъин ибн Исо, Муҳаммад ибн Убайд Тайолисий, Яхё ибн Муъин, Ёқуб ибн Иброҳим ибн Саъд, Мусо ибн Довуд, Абу Салама ал-Ҳазоъий, Закариё ибн Адий ва бошқа ровийлардан ҳадислар ривоят қилган.

Имом Доримий ушбу устозидан 38 та ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Саъид ибн Ҳусайн Киндий (ваф. 257/871 й.). Имом Доримийнинг ушбу устози Абу Саъид Ашажж Куфий

номи билан ҳам машхур. У Исмоил ибн Алиёа (Улийа) (116-193/734-809), Ҳафс ибн Ғиёс, Аби Усома, Абдуссалом ибн Ҳарб, Зийод ибн Ҳасан ибн Фурот Қаззо, Абу Бадр Шужоъ ибн Валид, Абдуллоҳ ибн Ажлах, Абдуллоҳ ибн Идрис, Абдурахмон ибн Муҳаммад Муҳорибий, Убода ибн Сулаймон, Ақаба ибн Холид Сукуний, Муътамар ибн Сулаймон Раққий, Муъоз ибн Ҳишом, Муҳаммад ибн Фузайл ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ибн Надим Муҳаммад ибн Фузайлнинг ҳижрий 195 йили вафот этганлиги ҳамда унинг “Ас-Сунан”, “Ат-Тафсир”, “Аз-Зухд”, “Ас-Сийам”, “Ад-Дуо” каби китоблари бўлганлиги ҳақида маълумот берган.

Имом Доримий ундан 63 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Кассий (баъзи манбаларда “Кешший”, “Киссий” деб юритилади) – “Абд ибн Ҳумайд” номи билан машхур бўлган муҳаддис Имом Доримийнинг яқин сафдоши бўлиб, Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига ҳам катта ўрин тутди. Олим “ал-Муснад ал-кабир”, “ат-Тафсир”, “ас-Сулосиййот” каби асарлар муаллифи бўлиб, у 55 дан ортиқ шайхлардан ҳадис ривоят қилган. Энг машхур устози Язид ибн Ҳорун, Абдураззоқ ибн Ҳумом Санъонийдир.

Шарқшунос олим С.Прозоров уни “... асли Бағдодлик, Кешда яшаган муҳаддис”, у – Имом Бухорийнинг устози бўлиб, кунларини масжидда ибодат билан ўтказиб, фақат тунда уни тарк этишини айтиб, ўта тақводор бўлганини қайд этиб ўтади. Унинг Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг турли шаҳарларидан чиққан кўплаб шогирдлари бўлиб, энг машхур шогирдлари Имом Муслим (“Саҳиҳ”ида ундан 372 та ҳадис ривоят қилган) ва Имом Термизийлардир (ундан 180 та ҳадис келтирган). Имом Бухорий “Саҳиҳ”ида Абд ибн Ҳумайддан бевосита ҳадис ривоят қилмаган бўлса-да, асардаги бир ҳадисни бошқа иснод билан Абу ибн Ҳумайд ривоят қилганини айтиб ўтади. Нажмуддин Умар Насафий, эса Имом Бухорий “Тарих” асарида Абд ибн Ҳумайд ҳақида эслатиб ўтиб, ундан ҳадис ривоят қилганини қайд этади.

Буюк аждодларимиз

Имом Доримий ҳамда Абд ибн Ҳумайд яқиндан таниш, ҳамфикр бўлганлар. Олим Имом Доримий билан бирга Самарқанд қозиси бўлган (210-218/825-833) Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Салм Физорий Самарқандийнинг китобларини тасниф қилинишига бошчилик қилганлар. Шунингдек, ҳар икки муҳаддис ҳам айнан бир устозлардан ҳадис тинглаб, бир хил шогирдларга ҳадис ривоят қилганлар. Имом Доримий Самарқандда, Абд ибн Ҳумайд эса Кешда ҳадис илмининг ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Имом Доримийдан кейин яшаган кўплаб муҳаддислар ўзларидан аввал яшаб ўтган машҳур муҳаддисларнинг асарларини тўлиқ ёд олиб, уларни ривоят қилишлари билан танилганлар. Ҳадис тўпламлари орасида асосан Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”и, Имом Доримийнинг “Сунан”и ҳамда Абд ибн Ҳумайднинг “Муснад”и ва унинг “Мунтахаб” асари алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шамсуддин Заҳабий “Ислом тарихи” асарида келтиришича, Абу ал-Вақт Абдулаввал ибн Исо Сижзий (XII аср) Имом Бухорийнинг “Саҳиҳ”и, Имом Доримийнинг “Муснад” (“Сунан”)и, Абд ибн Ҳумайднинг “Мунтахаб”и, Имом Шофеъийнинг “Муснад”ини ривоят қилганлиги билан шуҳрат қозонган. Самъоний хиротлик Абдуллоҳ ибн Аҳмад Сарахсийнинг Мовароуннаҳр шаҳарлари бўйлаб сафар қилганлиги ҳамда Фороб шаҳрида Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Форобийдан саҳиҳ ривоятларни, Самарқандда Абу Умар Аббос ибн Умар Самарқандийдан Имом Доримий ҳадисларини, Харашкатдан Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳузайм Шошийдан Абд ибн Ҳамид Кешийнинг ҳадисларини эшитганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради. Абд ибн Ҳумайднинг “Мунтахаб”и Мустафо Адавий томонидан тадқиқ қилинган ва 3 жилдда нашр этилган.

Алломанинг шогирдлари

Манбаларда Имом Доримийнинг кўплаб шогирдлари бўлгани ҳақидаги маълумотлар берилган. Улар нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида кўзга кўринган олимлар бўлиб, ўз мамлакатлари маънавий тараққиётида катта ўрин тутганлар. Шу жумладан, “Саҳиҳ” ҳадис тўпламларининг муаллифлари ҳам бевосита Имом ад-Доримийнинг шогирди бўлганлар.

Имом Бухорий (194-256/810-870) “ат-Тарих ал-кабир” асарида Имом Доримийдан Абу Ҳурайра орқали ривоят қилинган, жанозада қатнашган кишига бир қийрот савоб берилиши ҳақидаги ҳадисни ривоят қилган. Ушбу маълумотни Имом Термизий ҳам тасдиқлаб, “Муҳаммад ибн Исмоил бу ҳадисни Абдуллоҳ ибн Абдурахмондан ривоят қилганини эшитганман”, деб таъкидлайди. Шунингдек, Имом Бухорий Имом Доримийдан Ато ал-Хуросоний исмли ровий ҳақида сўрагани ва ушбу саволга тўлиқ жавоб олганини ҳам қайд этиб ўтади.

Имом Доримий ҳам ўз навбатида Имом Бухорийга юксак таъриф бериб: “Мен Макка, Мадина, Ҳижоз, Шом, Ироқдаги уламоларни кўрдим, лекин улар орасида Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил Бухорийдан кўра кўпроқ ҳадис жамлаган кишини кўрмадим”, деб айтади.

Имом Муслим (206-261/821-875) Имом Доримийдан ҳадис илмларининг турли йўналишлари бўйича таҳсил олиши билан бир қаторда, ўзининг шоҳ асарига устозидан ривоят қилинган 73 та ҳадисни киритади. Буюк муҳаддис Имом Муслим устози Имом Доримийдан ҳадис илмининг жарҳ ва таъдил, илм ар-рижол соҳалари бўйича таҳсил олиб, ундан олган билимларини, устозидан тинглаган ўғитларини “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарида келтириб ўтади.

Маълумки, одатда ровийлар ўзларининг бир гуруҳ шогирдларига ҳадисларни ривоят қилганлар. Бир неча

Буюк аждодларимиз

ҳадислар билан киёслаганда исноди ва матни аниқ келган ҳадисни ривоят қилган ровийларни энг ишончли (*сиқа*), аниқ ва беҳато ривоят қилувчи (*сабит*, *забит*), энг яхши эслаш қобилиятига эга бўлган (*ҳофиз*) каби сифатлар билан тавсифлаганлар. Имом Доримий ушбу сифатларга яна тақводорлик (*муттақин*)ни ҳам қўшимча қилган. Бу ҳақда Имом Муслим ўзининг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарининг муқаддима қисмида устозининг қуйидаги сўзларини келтиради: “Агар ровий сиқа, забтли, муттақин бўлсагина, ундан ҳадисни қабул қилинг!”

Шунингдек, Имом Муслим яна Имом Доримийдан қуйидаги маълумотни келтиради: “Муъалло ибн Урфон менга Абу Воилнинг (ваф. 82/701 й.): “Сиффинда Ибн Масъуд бизга қарши чиқди”, деб айтган қавлини келтирди. Шунда Абу Нуъайм: “Сиз уни қайта тирилган деб ўйлаяпсизми?” деб жавоб бердим”, дейди. Маълумки, саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд Мадинада ҳижрий 32 (653) йилда вафот этган бўлиб, Сиффин жанги эса ҳижрий 37 (658) йилда бўлиб ўтган. Демак, ҳадис тўқима бўлиб, ундаги келтирилган маълумот уйдирмадир. Умуман, Имом Доримий шогирдларидан ҳадис илмларининг барчасини мукамал эгаллашни, айниқса, ҳадис иснодини аниқ билишни талаб этарди.

Имом Абу Довуд Сулаймон Тайолисий (202-275/817-888) ўзининг “Сунан” асарида Имом Доримийдан 3 та ҳадис ривоят қилган.

Имом Муҳаммад ибн Исо Термизий (209-279/824-892) эса “Сунан”ига устозидан ривоят қилинган 68 та ҳадисни киритган.

Имом Аҳмад ибн Шуайб Насоий (215-303/830-915) “олти саҳиҳ”га кирган “Сунан”идан бошқа асарларида Имом Доримий ҳадисларидан ривоят қилган. Жумладан, у “Қуръон оятларини қироат қилишнинг фазилатлари ҳақида”ги ҳадисни Имом Доримийдан олган.

Абу Али ал-Ҳасан ибн Саббоҳ Баззор Воситий Бағдодий (ваф. 249/863 й.) – Имом Доримийнинг яна бир

шогирдидир. У буюк муҳаддислардан бўлиб, Ибн Уйайна, Валид ибн Муслим, Зайд ибн Ҳаббон, Жаъфар ибн Авн, Али ибн Мадиний, Исҳоқ ибн Юсуф Азрақ, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Усома ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Имом Бухорий (10 та), Абу Довуд (6 та), Термизий (13 та), Иброҳим ал-Ҳарбий, Абу Бакр Баззор, Абу Бакр ибн Аби Осим, Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Ибн Ножия, Али ибн Абдулазиз Бағавий, Абу Исмоил Термизий ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Кўплаб уламолар Ҳасан ибн Саббоҳ ҳақида ижобий фикрларни билдирганлар. Жумладан, Абу Ҳотам уни ишончли, тўғрисиёз ровийлардан экани, Бағдодда катта ҳурматга эга бўлгани, Аҳмад унинг обрўсини янада кўтарганлигини таъкидлайди.

Ибн Ҳиббон эса “ас-Сикот” асарида муҳаддис ҳақида зикр қилиб, уни ҳижрий 249 (мил. 863) йили вафот этганлигини қайд қилади. Сурож ҳам ушбу санани белгилаб, Рабиъул охир ойида деб қўшимча қилади.

Абу Зуръа Абдурахмон ибн Амр Димашқий (ваф. 281/894 й.) – Имом Доримийнинг машҳур шогирдларидан бири. Абдурахмон ибн Амр ибн Абдуллоҳ ибн Сафвон ибн Амр Насрий кўпроқ Абу Зуръа Димашқий номи билан танилган. Ўз вақтида Шомнинг буюк шайхларидан бири бўлган. Кўп шаҳарларга сафар қилиб, ҳадисларни ўрганган. Абу Зуръа ҳижрий 281 (мил. 894) йилнинг Жумадул охир ойида вафот этган.

Ибн Абу Ҳотам: “Абу Зуръа отамнинг дўсти эди. У отамдан, отам эса ундан ҳадис ёзарди. Жуда ростгўй ва ишончли ровий эди. Отамдан у ҳақда сўраганимда, у ҳақда ўзларининг яхши фикрларини билдиргандилар”, дейди. Бундан ташқари яна кўплаб муҳаддислар шундай фикрда эдилар.

У Муҳаммад ибн Муборак Саврий, Сулаймон ибн Абдурахмон, Абдуллоҳ ибн Жаъфар Ракқий, Абу Мусаҳхир, Али ибн Иёш, Абу Наъим, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Фассон

Буюк аждодларимиз

Молик ибн Исмоил, Абу Ибн Солих Мисрий, Аҳмад ибн Холид Ваҳбий ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган.

Абу Зуръа Димашқийдан эса Абу Довуд, Ёқуб ибн Суфён, Ибн Абу Ҳотам, Ибн Абу Довуд, Ибн Саъид, Абу Жаъфар Таҳовий, Исоқ ибн Иброҳим Азраъий, Ҳасан ибн Ҳабиб ал-Ҳадоирий, Аҳмад ибн Қосим ибн Маъруф, Абу Маймун Абдурахмон ибн Рошид, Абу Қосим Табароний ва бошқалар ҳадис ривоят қилганлар.

Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (213-296/828-909). Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад Шайбоний Бағдодий ҳам Имом Доримийнинг шогирдларидан бири бўлиб, машҳур муҳаддислардан бўлган.

У отаси Аҳмад ибн Ҳанбалдан, Иброҳим ибн Ҳажжож Сомий, Аҳмад ибн Муниъ Бағавий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Иброҳим Таржимоний, Ҳасан ибн Ҳаммод Сужода, Ҳакам ибн Мусо, Довуд ибн Рашид, Абу Рабиъ Заҳроний, Сурайж ибн Юнус, Абу Бакр ибн Абу Шайба ва яна бошқа кўплаб муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Аҳмаддан Абу Бакр ибн Зиёд, Абу Бакр Наход, Аҳмад ибн Комил, Абу Қосим Бағавий, Муҳаммад ибн Мухаллид, Абу Бакр Шофеъий, Абу Қосим Табароний ва бошқа муҳаддислар ҳадис ривоят қилганлар. Имом Насоий эса “Сунан”ида ундан 2 та ҳадис ривоят қилган.

Абу Али ибн Саввоф: “У ҳижрий 213 йили туғилиб, 296 йили вафот этган”, деб таъкидлайди. Уни Исмоил Хатмий тасдиқлаб, Жумодул охир ойида, деб қўшимча қилади.

Шаҳобуддин Аскалоний ўз асарида Абдуллоҳ ибн Аҳмад ҳақида уламоларнинг ижобий фикрларини келтириб, уни ишончли, тўғри сўз ровийлардан бўлганлигини таъкидлайди. Жумладан, Абу Бакр ал-Ҳилол: “Абдуллоҳ ҳар томонлама содиқ (тўғри сўз), солиҳ киши” деб таърифлаган.

Абу Бакр Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Форёбий (ваф. 301/914 й.) машҳур имомлардан бири. У араб

халифалигининг шарқидан ғарбига сафар қилиб, турфа илмларни ўзлаштирган ва буюк уламо даражасига эришган. Бағдодда яшаб, ижод этган. Бир қанча муддат Диновар (Дайновар) козихонасини бошқарди. Ушбу шаҳарча ўзида кўплаб адаб ва ҳадис илми аҳллари ямлагани билан машхур бўлиб, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Форёбий (Имом Доримийнинг устози Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Форёбийнинг ўғли), Абу Зуръа ва Абу Ҳотам Розийлар, Абу Саъид Ашъаж ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган машхур муҳаддис Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ваҳб ибн Бишр ибн Солиҳ ибн Ҳамадон Абу Муҳаммад Диноварий Ҳофиз улардан биридир. Жаъфар ибн Муҳаммад Форёбий Имом Бухорийнинг ҳам устози бўлган Абдуллоҳ ибн Абу Авона Шоший (ваф.286/899)дан ҳадис тинглаган.

Унинг мажлисларида минглаб кишилар қатнашар эдилар. Ҳижрий 301 (мил. 914) йили Бағдодда вафот этган. У кишининг ўғли Абу Ҳасан Муҳаммад ибн Жаъфар Форёбий (247/861 йили туғилган) ҳам буюк муҳаддислардан эди. Ибн Надим муҳаддисни – “Кичик Форёбий” деб атаб, уни ҳижрий 300 йилнинг охири куни вафот этган, деб келтиради. Шунингдек, Жаъфар ибн Муҳаммаднинг 50 та китобни ўзида жамлаган “Китоб ас-Сунан”и ҳақида ҳам маълумот беради.

Абу Абдурахмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ Шайбоний Бухорий (ваф. 307/922 й.). У кўпроқ Абу Абдурахмон ибн Абу Лайс Бухорий исми билан танилиб, ишончли ровий, тақводор фақиҳ бўлган. Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг отаси Убайдуллоҳ Шайбоний ҳам буюк муҳаддислардан бўлган. Абу Абдурахмон Абдуллоҳ Бухорий Ироқ, Ҳижоз, Миср, Шом, Жазоир ва Хуросон шаҳарларига илм талабида сафар қилган буюк имомлардан биридир. У отаси Убайдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Доримий, Аҳмад ибн Наср Атакий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс, Яъқуб ибн Иброҳим Даврикий, Юсуф ибн Саъид ибн Муслим Мусайсий,

Буюк аждодларимиз

Аҳмад ибн Исо Хашаний, Робий ибн Сулаймон, Баҳр ибн Наср Хавлоний Муҳаммад ибн Авн Ҳумсий ва Абд ибн Ҳумайд Кассий кабилардан ҳадис ривоят қилган.

Абу Имрон Исо ибн Умар Самарқандий (ваф. тахм. 320/932 й.). У Имом Доримийдан ҳадислар ривоят қилган энг яқин шогирди, айнан “Абдуллоҳ Доримий “Сунан”ининг ровийси” сифатида танилган машҳур муҳаддисдир. Имом Доримийнинг ҳамшаҳари бўлган Исо ибн Умардан Абу Ҳасан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Коғадий ва Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамвайҳ (ваф. 381/991 й.)лар ривоят қилганлар.

Имом Доримийнинг яна бир гуруҳ шогирдлари сирасига айнан алломадан ҳадис ривоят қилиши билан танилган уламолар – Абдуллоҳ ибн Восил Бухорий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Омир Самарқандий (Журжон шаҳрида ҳадис айтган), Абу Аҳмад Солиҳ ибн Яздод Каробийсий Самарқандий, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Мусовир Баззоз Бакрий Мадиний Самарқандий (ваф. 298/911 й.), Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Қассом Мадиний Самарқандий (ваф. 320/933 й.), Абу Муҳаммад Абд ибн Аҳмад Аттор Самарқандий, Абу Лайс Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Убайдуллоҳ ибн Фазл ибн Таҳмон Рубъий Зарийр Бухорий (ваф. 258/871 й.) каби муҳаддислар кирадилар. Булардан ташқари Абу Саъд Самъоний “ал-Ансоб” асарида Имом Доримийнинг 24 та, Нубайл ибн Ҳошимнинг китобида 32 та шогирди ҳақида маълумот берган.

Имом Доримийнинг шогирдлари кўплаб қимматли асарлари билан ҳадис илмининг кейинги тараққиётида муҳим роль ўйнаганлар.

Мовароуннахрлик муҳаддислар ўз илмий изланишлари натижасида юзага келган асарлари билан ҳадис, фикҳ илмларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Мамлакатмиз раҳбари И. Каримов таъкидлаганларидек, бизнинг мақсадимиз бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли

ва қолдирган мероси тимсолида “... маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган ҳалқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборатдир”².

Имом Доримийнинг илмий-маънавий мероси, шубҳасиз, ХХI асрда ғоят долзарб аҳамиятга молик турли масалалар – миллатлар, халқларнинг тинч-тотувлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтириш каби мақсадларига хизмат қилади. Олимнинг “Сунан” асаридаги ҳадислар Ислом дини таълимотига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланмай, меҳр-муҳаббат, саҳийлик, очиқ кўнгиллилик, катталарга ҳурмат, етим-есирларга мурувват, фақир-бечораларга ҳиммат, ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик сингари чин инсоний фазилатларни ҳам улуғлайди. Ушбу асар юртимиз илм-фани ва маданияти тарихини чуқур ўрганиб, халқимизга етказишда, миллий кадриятларимизнинг тикланишида катта аҳамиятга эга.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.44.

ИМОМ ДОРИМИЙНИНГ “СУНАН” АСАРИДАН САЙЛАНМА ҲАДИСЛАР

Саъид ибн Жубайр (р.а.): “Эй Абу Абдуллоҳ, инсоният ҳалокатининг аломати нимада?”- деди. “Агар улар(инсонлар) нинг олимлари ҳалок бўлса (вафот этса)”.

* * *

Абу Воил (раҳ.а.)дан ривоят қилинган: “Абу Ҳузайфа (р.а.): “Илм қандай камайишини биласизми?” – деб сўрадилар. (Абу Воил): “Худди кийим кичрайгандек ёки дирхам (пул) камайгандек(ми?)” – дедим. (Абу Ҳузайфа): “Йўқ, бундай эмас. Илмнинг етишмаслиги уламоларнинг етишмаслигидир”,- деб айтди”.

* * *

Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинган: “Инсонлар олим ва илм ўрганувчилар(дан иборат)дир. Қолган нарсаларда ҳеч қандай яхшилик (манфаат) йўқдир”.

* * *

Абу Дардо (р.а.)дан ривоят қилинган: “Эзгуликни ўргатувчи муаллим ва илм ўрганувчи (шогирд) ажр-савоб олишда тенгдирлар. Бошқа кишиларга эса (ҳеч қандай) яхшилик йўқдир”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинган: “Олим ёки шогирд (илм толиби) ёки эшитувчи бўл, аммо тўртинчиси бўлма, ҳалокатга йўлиқасан”.

* * *

Солмон ал-Форсий (р.а.) дедилар: “Аввалги (авлод вакиллари) кейинги (авлодлар)га илм беришда давом

этар экан, инсонларга яхшиликлар (хайр-савоб) бериш тўхтатилмайди. Аммо аввалгилар кейингиларни (билганларини) ўргатмай вафот этишса, инсонлар ҳалок бўладилар!”

* * *

Убайдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: “Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) Абдуллоҳ ибн Салом (р.а.)дан: “Илм арбоблари кимлар?”- деб сўради. (Абдуллоҳ ибн Салом р.а. эса): “Билган нарсаларига амал қилган кишилардир”, – деб жавоб берди. (Умар р.а.): “Кишилар юрагидан илмни чиқариб ташлайдиган нарса нима?” – деб сўради. (У эса): “Очкўзлик (иштиёқ, хасислик, таъмагирлик)”, – дея жавоб қайтарди”.

* * *

Тобеъийлардан Зайд ибн Аслам (рах.а.) ривоят қилади: “Ато (р.а.) деди: “Ҳалимлик ва илм бир-бирини тўлдиргани каби, дунёда ҳеч нарса бир-бирини бунчалик беэмайдир”.

* * *

Омир аш-Шаъбий (р.а.) дедилар: “Илм аҳллариининг ақл-фаросати илмни зийнатлайди”.

* * *

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган: “Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Ким (инсонларни) тўғри йўлга чақирса, унга эргашганларга бериладиган савоблари миқдорича унга савоб берилади. Бу билан уларнинг савоблари камайтирилмайди. Кимки (инсонларни) залолатга чақирса, унга эргашган кимсаларга бериладиган гуноҳлар миқдорича унга гуноҳ берилади. Бунда уларнинг гуноҳларидан ҳеч нарса камайтирилмайди”.

* * *

Тобеъийлардан Абу Қилоба (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Мадинага ҳадис ровийси келаётганини эшитиб, ишларимни битириб бўлганимга қарамай, яна уч кун у ерда қолдим ва у (ровий) келгандан сўнг ундан ҳадисни сўраб билдим”.

* * *

Тобеъийлардан Буср ибн Убайдуллоҳ (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Дарҳақиқат, мен бир дона ҳадисни эшитиш учун шаҳардан шаҳарга сафар қилардим”.

* * *

Тобеъийлардан Абу-л-Алиййа (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Басрада Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг саҳобаларидан қилинган ривоятни тинглар эдик. Агар кўнглимиз тўлмаса, Мадинага сафар қилиб, ривоятни уларнинг ўз оғизларидан эшитар эдик”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ат-Кушайрий (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Довуд пайғамбар (с.а.в.) шундай деганлар: Илм соҳибига айт, бир темир ҳасса ва темирдан бир жуфт кавушни кийсин ҳамда ҳасса сингунча, кавуши тешилгунга қадар илм ўргансин!”

* * *

Тобеъийлардан Ваҳб ибн Мунаббих (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Шубҳасиз, донишмандлик камтар, хотиржам (осойишта) қалбда ўрнашади (бўлади)”.

* * *

Али (р.а.)дан ривоят қилинади: “Илм ўрганинг. Илмли бўлганингиздан сўнг уни маҳкам ушланг. Уни на кулгу (ҳазил) ва на ўйин билан аралаштирманг. Акс ҳолда қалблар уни қабул қилмай чиқариб ташлайди (рад этади)”.

* * *

Ҳусайн ибн Али (р.а.)дан ривоят қилинади: “Кимки мазах қилиб кулса, илмидан бир қисмини (нарсани) тупуриб ташлаган бўлади”.

* * *

Ибн Умар (р.а.) деди: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бундай деганларини эшитдим: “Тепадаги қўл пастдаги қўлдан яхшидир”. Ибн Умар сўзида давом этиб деди: “Тепадаги қўл – берувчининг қўли, пастдаги қўл – сўровчининг қўлидир”.

* * *

Ибн Умар (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Ким қасам ичса, сўнг (кетидан) “иншааллоҳ” – Худо хоҳласа, деса, у (қасам ичган киши)нинг қасамига амал қилиши ўз ихтиёрида қолади: хоҳласа қилади, хоҳласа қилмайди”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Туноҳи кабиралар: Аллоҳга ширк келтириш, ота-онага «оқ» бўлиш, одам ўлдириш ва ёлғон (ғамус) қасам ичишдир».

* * *

Собит ибн ад-Заҳҳок (р.а.) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Муминни лаънатламоқ уни ўлдириш билан баробар! Кимки бирон нарса билан дунёда ўз жонига қасд қилса, ўша нарса билан қиёмат кунида азобланади”.

* * *

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Ким ўзини бир парча темир билан ўлдирса, ўша темир парчаси қўлида охиратга қадар қолади ва мангу қолажак жаҳаннам оловида темир билан қорнига қайта-қайта санчилавериб азобланади. Ким ўзини заҳарлаб ўлдирса, заҳар унинг қўлида охиратгача қолади ва мангу қолажак жаҳаннам оловида уни қултумлаб қайта-қайта ичиб азобланади. Ким ўзини тоғдан ташлаб, жонига қасд қилса, у абадий қолажак жаҳаннам оловига ўзини такрор-такрор ташлайверади”.

* * *

Нуъмон ибн Башир (р.а.) ривоят қилганлар: Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Ҳалол аниқ, ҳаром аниқ. Бу иккисининг орасида шубҳали нарсалар мавжудки, уларни кўпчилик инсонлар билмайдилар. Кимки шубҳали нарсалардан ўзини тийса, обрўси ва динини сақлаган бўлади. Кимки

Буюк аждодларимиз

шубҳали нарсалардан тийилмаса, ҳаромга яқин бўлиб, худди бировнинг экини чеккасида қўй боқаётган чўпонга ўхшайди. Унинг қўйлари экинга тушиш эҳтимоли бор.

Дарҳақиқат, ҳар бир подшоҳнинг ўз қўриғи бор. Аллоҳнинг ердаги қўриғи ҳаром қилган нарсаларидир. Кишининг баданида бир парча гўшт бор, агар у пок бўлса, аъзоларнинг барчаси тузалади. Агар у бузилса, аъзоларнинг барчаси бузилади. Огоҳ бўлинглар! У қалбдир!” — деганларини эшитдим”.

* * *

Анас ибн Молик (р.а.) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: “Ўзингизга раво кўрган нарсангизни биродарингизга ҳам раво кўрмагунигизча мумин бўлмайсизлар!”.

* * *

Абдурахмон ибн Абу Бакра (р.а.) ривоят қилганлар: “Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)дан “Инсонларнинг қайси бири яхшироқ?”, —деб сўрабди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кимки узоқ умр кўриб, яхши амаллар қилган бўлса (ўша энг яхши инсондир)”, — деб жавоб бердилар. У (ҳалиги киши яна) сўради: “Инсонларнинг энг ёмони ким?” Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): “Кимки кўп умр кўриб, ёмон амаллар қилган бўлса”, — деб жавоб бердилар”.

* * *

Абдуллоҳ ибн Муғоффал (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Аллоҳ таоло меҳрибон ва У ҳар ишда юмшоқликни севади ҳамда зўравонликка берилмайдиган нарсани юмшоқлик учун беради.

* * *

Оиша (р.а.) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: Шубҳасиз, Аллоҳ ҳар ишда юмшоқлик (эзгулик)ни севади.

* * *

Ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: “Ҳадисни такрорлаб, уни зикр этиб туринглар. Зеро, уни зикр

этмасангиз у йўқолиб кетади ва ҳадис ривоят қилувчи киши “мен бу ҳадисни бир марта ривоят қилгандим (етади)”, деб айтмасин. Чунки (ушбу ҳадисни яна тинглаганда) эшитган кишининг илми (янада) зиёда бўлади, эшитмаганлар эса уни эшитади”.

* * *

Алқама (рах.а.)дан ривоят қилинади: “Ҳадисни (такрор-такрор) зикр этинглар. Зеро, бу билан унинг ҳаёти давом этади”.

* * *

Зиёд ибн Саъд ривоят қилади: “Ибн Шихоб (аз-Зухрий) бадавийларга ҳам ҳадис ривоят қиларди”.

* * *

Аъмаш ривоят қилади: “Исмоил ибн Ражо (маҳаллий бошланғич) мактабнинг ёш болаларини тўплаб, уларга ҳадис ривоят қиларди. Бу йўл билан (ҳадисларни йўқолиб кетишдан) сақлашга ҳаракат қиларди”.

* * *

Ибн Умар (р.а.)дан ривоят қилинади: “Агар сизлардан бирортангиз ҳадис ривоят қилмоқчи бўлса, уни уч марта такрорласин!”

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Манбалар:

1. Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фадл ибн Баҳром ат-Тамимий Самарқандий ад-Доримий. Сунан ад-Доримий. 2 жилдли. –Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1996. (Ж. 1. – 347 б.; Ж. 2. – 309 б.).
عبد الله بن عبد الرحمن بن الفضل بن بهرام التميمي السمرقندي الدارمي. سنن الدارمي.
2. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн ал-Фадл ибн Баҳром ад-Доримий. Сунан ад-Доримий. 2 жилдли. – Қоҳира: Дор ихйа ас-сунна ан-набавиййа. Йили кўрсатилмаган. (Ж. 1. – 397 б.; Ж. 2. – 474 б.).
عبد الله بن عبد الرحمن بن الفضل بن بهرام الدارمي. سنن الدارمي.
3. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий Самарқандий. Сунани Доримий / Таржима ва таҳқиқ доктор Абдуллоҳ Айдинли. 6 жилдли. – Истанбул: Мадве йайинлари, 1994-1996. (турк тилида).
4. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур ат-Тамимий Самъоний. Ал-Ансоб. 5 жилдли. –Байрут: Дор ал-фикр, 1998.
أبو سعد عبد الكريم بن محمد السمعاتي. الأنساب.
5. Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ат-Табарий. Тарих ал-имам ва-л-мулук. 5 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1997.
أبو جعفر محمد بن جرير الطبري. تاريخ الطبري. تاريخ الامم والملوك.
6. Абу ал-Хусайн Муслим ибн ал-Хажжож ал-Кушайрий ан-Найсабурий. Саҳиҳ Муслим. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа. – 576 б.
أبو الحسين مسلم بن الحجاج القشيري. صحيح مسلم.
7. Абу ал-Хусайн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Абу Яъло ал-Ханбалий. Табакот ал-Ханобила. 4 жилдли. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1997.
أبو الحسين محمد بن محمد بن الحسين بن أبو يعلى الحنبلي. طبقات الحنابلة.
8. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра. Ал-Жоме' ас-саҳиҳ ва ҳува сунан Термизий. 5 жилдли. – Байрут: ал-Ихйа ат-тирос ал-арабий, 1995.
أبو عيسى محمد بن عيسى بن سورة. الجامع الصحيح وهو سنن الترمذي.
9. Абу Осим Нубайл ибн Хошим ал-Ғумрий. Фатҳ ал-Маннон. –Макка ал-Мукаррама: Мактабат ал-Маккий, 1999. –Б. 2-40.
أبو عاصم نبيل بن خاشم الغفري. فتح المنان.
10. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Хатиб. Тарих Бағдод ав Мадинат ас-салом. 14 жилдли / Мустафо Абдулқодир Ато таҳрири остида. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмиййа, 1997.
أبو بكر أحمد بن علي الخطيب البغدادي. تاريخ بغداد أو مدينة السلام.

11. Жалолуддин ас-Суютий. Тадриб ар-ровий фи шарх тақриб ан-Нававий. 2 жилдли. – Байрут: Дор ал-китаб ал-арабий, 1993.

جلال الدين السيوطي. تدريب الراوي في شرح تقريب النواوي.
12. Ибн ан-Надим Абу ал-Фараж Мухаммад ибн Абу Йакуб. Китаб ал-Фихрист ли-н-Надим. – Байрут: Дор ал-Мусайра, 1988. – Б. 255-289.
ابن النديم أبو الفرج محمد بن أبو يعقوب. فهرست للنديم.

13. Ибн Салох Улум ал-хадис. – Дамашк: Дор ал-фикр, 1986. – 471 б.
ابن الصلاح. علوم الحديث.

14. Исмоил паша ал-Бағдодий. Ҳадиййат ал-ориғийн, асмо ал-муғаллифин ва осор ал-мусаннифин. 2 жилдли.

إسماعيل البغدادي. هدية العارفين، أسماء المؤلفين وآثار المصنفين..

15. Мухаммад Мухаммад Абу Захв. Ал-хадис ва-л-муҳаддисун. – Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, 1984. – 495 б.

محمد محمد أبو زهو. الحديث والمحدثون.

16. Мухаммад ибн Исмоил Бухорий. Ат-Тарих ал-Кабир. 8-жилдли. – Байрут: Дор ал-фикр, 1986. Ж. 8. – 206 б.

محمد بن اسماعيل البخاري. التاريخ الكبير.

17. Мухаммад Абдурахмон ал-Муборақфурий. Тухфат ал-аҳвазий бишарҳи жомӣ Термизий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1990. Ж. 10. – 546 б.

محمد عبد الرحمن المباركفوري. تحفة الاحوزي بشرح جامع الترمذي.

18. Нажмиддин Умар ибн Мухаммад ибн Аҳмад Насафий. Ал-Қанд фи зикр уламо Самарқанд / Назар Мухаммад Форёбий таҳрири остида. – ал-Мамлака ал-арабийа ас-Саудийа: Мактаба ал-Кавсар, 1991. – 877 б.
نجم الدين عمر بن محمد بن أحمد النسفي. القند في ذكر علماء سمرقند.

19. Хайруддин аз-Зирклий. Ал-Аълом. Қомус тарожим ли ашҳар ар-рижол ва-н-ниса мин ал-араб ва-л-мустағрибин ва-л-мусташрифин. Ж. 1. – Байрут: Дор ал-илм ал-малайин, 1998.

خير الدين الزركلي. الأعلام. قاموس تراجم لأشهار الرجال والنساء من العرب والمستعربين...

20. Шаҳобуддин Абу ал-Фазл Аҳад ибн Али ибн Ҳажар ал-Аскалоний. Таҳзиб ат-таҳзиб. 5 жилдли. – Байрут, 1994.

شهاب الدين ابو الفضل احد بن علي بن حجر الأسقلاني. تهذيب التهذيب.

21. Шамсуддин Мухаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. 23 жилдли. – Байрут: Муассаса ар-рисала, 1992. Ж. 12. – Б. 550-572.

شمس الدين محمد بن أحمد الذهبي. سير أعلام النبلاء.

22. Шамсуддин Мухаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий. Тарих ал-ислам ва вафоёт ал-машайир ва-л-аълом. – Байрут: Дор ал-китоб ал-арабий, (йили кўрсатилмаган). Ж. 2. – 274 б.

شمس الدين محمد بن أحمد الذهبي. تاريخ الاسلام و وفيات المشاهير والاعلام.

23. Ҳамза ибн Юсуф ал-Журжоний. Тарих Журжон. – Байрут: Аълам ал-кутуб, 1981. – 94 б.

حمزة بن يوسف الجرجاني. تاريخ جرجان.

24. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун ан асоми-л-Кутуб вал-Фунун: 2 жилдли. – Истанбул: 1941-43.

حاجي خليفة. كشف الظنون عن أسماء الكتب والفنون

25. Абдуллаев А.Г. Абу-л-Лайс Самарқандийнинг Мовароуннахр тафсирунослигида тутган ўрни: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2007. – 28 б.

26. Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 4 жилдли. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.

27. Абу Тохирхожа. Самария // Абу Тохирхожа. Самария. Наршахий. Бухоро тарихи. Баъний. Шажараи Хоразмшоҳий. Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б. 5-79.

28. Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Насафий. Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб) / Арабчадан қискартириб таржима қилувчилар: Усмоҳон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 304 б.

29. Абу Ҳафс Насафий. Қандия. Ёҳуд китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд / Сўз боши, таржима ва изоҳлар муаллифи Н.К.Норқобулов. – Т.: Минҳож, 2005. – 88 б.

30. Абдулқарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). (VIII-XII асрда яшаган ўзбекистонлик олимлар ҳақида маълумот) / тарж. Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Бухоро: Бухоро, 2003. – 273 б.

31. Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ. Самарқандлик олимлар. – Т.: Фан, 1969. – 102 б.

32. Буюк алломаларимиз. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 60 б.

33. Каттаев К. Имом Доримий // Маърифат. – Тошкент, 27.01.01

34. Каттаев К. Самарқанднинг буюк алломалари. – Самарқанд: Зарафшон, 1998. – 115 б.

35. Мирмахмудов Н. Имом Доримий // Ҳидоят. – Тошкент, 2000, – № 3.

36. Раҳимджанов Д. VIII-XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс Насафийнинг “Китоб ал-қанд фи марифат уламо Самарқанд” асари асосида): Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 26 б.

37. Уватов У. Ҳадисшунослик ва Имом Бухорий // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1997. – № 9-10-11.

38. Уватов У. Муслим ибн Ҳажжож. – Т.: А. Қодирий, 1995. – 63 б.

39. Уватов У. Ўзбекистон – буюк муҳаддислар ватани // “Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси” номли халқаро конференция маъруза ва табриклар тезислари тўплами. – Тошкент-Самарқанд: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б. 168-170.

40. Усмонов И.С. Ал-Ҳаким Термизийнинг “Наводир ал-усул” асари ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2006. – 27 б.

рус тилида:

41. Бабаханов Ш.З. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами: (Из шести общепризнанных сборников хадисов). –Т.: А.Кадыри, 1998. – 128 с.

42. Бёртон Дж. Мусульманское предание: Введение в хадисоведение. – М.-С.: ДИЛЯ, 2006. – 302 с.

43. Гольдциер И. Лекции об исламе / Пер. с немецкого А.Н.Черновой. –Брокгауз-Ефрон, 1912. – 272 с.

44. Исследования по истории, история науки и культуры народов Средней Азии / Под редакцией П.Г.Булгакова и У.И.Каримова. – Т.: Фан, 1993. – 204 с.

45. Камалиддинов Ш.С. «Китаб ал-ансаб» Абу Сада Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самани как источник по истории и истории культуры Средней Азии / Под редакцией П. Г. Булгакова. – Т.: Фан, 1993. – 184 с.

араб тилида:

46. Аҳмад Абдулқодир ар-Рафоийъ. Фахрас аҳадис ва осор сунаи ад-Доримий. – Байрут: Аълам ал-кутуб, 1988. –Б. 3-32.

أحمد عبد القادر الرفاعي. فهرس احاديث وآثار سنن الدارمي.

47. Ал-Мавсуъа ал-фикхийя. 39 жилдли. – Кувейт, 1993.

الموسوعة الفقهية.

48. Мухаммад Матар аз-Захроний. Тадвин ас-сунна ан-набавийя – нашъатуху ва татоввуруху мин ал-қарн ал-аввал ила нияйати ал-қарни ат-тасиъ ал-ҳижрий. –Риёд: Мактаба дор ал-минҳож, 2005. – 264 б.

محمد مطر الزهراني. تدوين السنة النبوية.

49. Мавсуат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Сахр ли-баромиж ал-ҳосиба. – 1991-1996 (CD-ROM).

موسوعة الحديث الشريف.

50. Нуриддин Атр. Имом Термизий ва-л-мувозана байна жомияъи ва байна ас-саҳихайн. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1988. – 438 б.

نور الدين عتر. الامام الترمذي والموازنة بين جامعه وبين الصحيحين.

ғарб тилларида:

51. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. I Band. – Weimar. Verlag von Emil Felber. 1898. – 528 s.

52. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Erster Supplementband. Leiden: 1937. – 973 s.

53. Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. Bd.I. –Leiden, E.J.Brill. 1967. – 935 s.

54. Robson J. Al-Darimi //Encyclopedie de Islam. Nouvelle ed. – T. II. – Leiden-London: Brill, 1965. – S. 164.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Алломанинг ҳаёти	6
Имом Доримийнинг асарлари.....	14
Имом Доримий шарафига юксак эҳтиром.....	22
Муҳаддиснинг устозлари	24
Алломанинг шогирдлари	30
Имом Доримийнинг “Сунан” асаридан сайланма ҳадислар.....	37
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.....	42

Маҳфуза АЛИМОВА

ИМОМ ДОРИМИЙ

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент–2009

Муҳаррир:

Б. Эралиев

Мусахҳиҳ:

У. Инсонбоева

Техник ва бадиий муҳаррир:

А. Қамбаров

Саҳифаловчи:

И. Караджаев

Босишга 2009 йил 26 октябрда рухсат берилди. Бичими 84x108^{1/32}.
Шартли б.т. 2,52. Нашр т.2,48. Адади 2000 дона. Буюртма № 106.
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.